

А Ж Р И М

ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида

2021 йил март ойининг 25 куни, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди, Фарғона шаҳар “Симтепа” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи Ш.Хашимов, М.Азимованинг котибалигида, тарафлардан Фарғона шаҳар прокурори ўринбосари Ш.Мирзалиев, гумон қилинувчи ва жабрланувчи Г.Тнинг иштирокида,

М.Г.И (М.Г.И), 1988 йил 17 январда Фарғона шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оиласиз, муқаддам судланмаган, ишламайди, [REDACTED] да яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 1-қисми билан [REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб, қуйидагиларни:

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, Г.М 2020 йил 12 февраль куни Фарғона шаҳар маъмурий суди томонидан МЖТКнинг 41-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилиб, 111.500 сўм жарима жазосига тортилганидан сўнг 2020 йил 17 май куни [REDACTED] да Г.Т билан ўзаро жанжаллашиб, жанжал мобайнида Г.М Г.Тни шаъни ва кадр-қимматини камситувчи сўзлар билан ҳақорат қилган.

Жабрланувчи Г.Т судга Г.М билан ярашганлиги тўғрисида ариза тақдим қилиб, унга ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, у билан ихтиёрий равишда ярашиб олишгани, бирон-бир тазйиқ ўтказилмагани, суд ярашувни тасдиқласа, иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилгани, шу боис иш юритишни тугатишни сўради.

Гумон қилинувчи Г.Мамажонов судга ариза тақдим қилиб, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчи билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлиги сабабли иш юритишни тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, гумон қилинувчи ва жабрланувчини аризасини иш ҳужжатлари билан ўрганиб чиқиб, прокурорнинг жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақидаги фикрини тинглаб, гумон қилинувчи Г.Мнинг айбига иқрорлиги, жабрланувчига бирон-бир тазйиқ ўтказилмагани, гумон қилинувчи жабрланувчи билан ихтиёрий равишда ўзаро ярашиб олганликларини инобатга олиб, жиноят ишини иш юритишдан тугатишни лозим топди.



Юқоридагиларга асосан, суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 583, 585, 586-моддаларини қўллаб,

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи М.Г.И (М.Г.И)га нисбатан жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан иш юритишдан тугатилсин.

Гумон қилинувчи Г.М жиний жавобгарликдан озод қилинсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

имзо

Ш.Хашимов

Нусхаси аслига тўғри:

Ш.Хашимов

